

Тоиф сафари



16:33 / 30.12.2017 11935

Пайғамбарликнинг ўнинчи йили.

Маҳзунлик йили.

Шаввол ойи.

Сарвари олам Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам мавлолари Зайд ибн Ҳориса розияллоҳу анҳунинг ҳамроҳликларида эмизган оналарининг юрти – Бану Саъд қабиласи ерлари орқали Тоиф томон кетмоқдалар. Улар, шояд Тоифдан бирор ёруғлик чиқса, маҳзунлик ариса, даъват ишлари юришиб кетса, деган умидда эдилар.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Тоифга етиб борганларидан кейин диёр аҳолисининг асосини ташкил қилувчи Сақиф қабиласи аъёнлари билан учрашдилар. Улар билан мажлис қуриб, Исломга даъват

қилдилар.

Аммо уларнинг жавоби энг ёмон жавоб бўлди. Улар у зот алайҳиссаломни масхара қилдилар. Бу ҳам етмагандек, ўзларининг эси пастлари, қуллари ва бебош болаларини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни сўкишга, ортларидан бақриб, масхара қилишга ва тош отишга чорладилар.

Тоифликлар йўлнинг икки четига туриб олиб, олдиларидан у зот ўтаётганда аёвсиз тошбўрон қилдилар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оёқлари қонга, қалблари дарду аламга, тиллари эса Аллоҳ таолога илтижога – дуога тўлди:

«Аллоҳим! Қувватим заифлигидан, ҳийлам озлигидан, одамлар олдида ожизлигимдан Ўзингга шикоят қилурман! Эй раҳмлиларнинг раҳмлиси! Сен заифҳолларнинг Роббисан! Сен Роббимсан! Мени кимга қўюрсан?! Мени ёқтирмайдиган нотанишгами?! Ёки ишимни душманга топширдингми?! Агар менга ғазаб қилмаган бўлсанг, буларга эътибор бермайман! Лекин мен учун Сенинг офиятинг кенгдир. Зулматларни ёритган, бу дунё ва охираат ишини салоҳиятли қилган юзинг нури ила менга ғазабинг нозил бўлишидан, қаҳринг тушишидан паноҳ тиларман. То рози бўлгунигча узр. Қудрат ва қувват фақат Аллоҳ билангинадир».

Аллоҳ таоло Ўз пайғамбарининг бу дуоларини дарҳол қабул қилди. Шу ондан ишлар аста-секин юриша бошлади.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

(Ҳадис ва ҳаёт китобидан)